

Раъно МИРСАМИКОВА

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
тадқиқотчиси

E-mail: mirsamikovarano@mail.ru

МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯДА ҚАДРИЯТЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

ВАЖНОСТЬ ЦЕННОСТЕЙ В ДУХОВНО-НРАВСТВЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

THE IMPORTANCE OF VALUES IN SPIRITUAL AND MORAL EDUCATION

Аннотация: Мақолада маънавий ахлоқий тарбия мезони ҳисобланган қадриятлар тизими, уларнинг турлари ҳозирги ахборотлашган жамиятда тарбиянинг кибермаконга трансформацияси жараёнларида айнан ажодлар мероси ва уларнинг тарбиядаги аҳамияти қадриятлар мисолида ёритиб берилган. Шунингдек, замонавий интеллектуал авлод тарбиясида илм ва ахлоқнинг узвийлигини амалий инновацион тарзда қўллаш олиш билан натижага эришиш мумкинлиги исботланган.

Калит сўзлар: маънавият, ахлоқ, тарбия, қадрият, хусусият, илм, авлод, ақл, заковат, ажодлар мероси.

Аннотация: В статье описывается система ценностей, типы которых являются критериями духовно-нравственного воспитания, наследие предков и их значение в образовании в процессе трансформации образования в киберпространство в современном информационном обществе. Также было доказано, что результаты могут быть достигнуты в воспитании современного интеллектуального поколения, применяя интеграцию науки и этики инновационным практическим способом.

Ключевые слова: духовность, нравственность, воспитание, ценность, характер, знания, поколение, интеллект, интеллект, наследие предков.

Summary: The system of values, their types, which are the criteria of spiritual and moral education in the article. In today's information society, in the process of transformation of education into cyberspace, it is the heritage of ancestors and their importance in education that is illustrated by the example of values.

It has also been proved that results can be achieved in the upbringing of the modern intellectual generation by applying the continuity of science and ethics in a practical innovative way.

Keywords: spirituality, morality, upbringing, value, character, knowledge, generation, intellect, intelligence, ancestral heritage.

КИРИШ

Миллий қадриятлар муайян миллатнинг асрлар оша яшаб келаётган бебаҳо маънавий бойлиги ҳисобланади. Улар жамият аъзоларини руҳан яқинлаштириш, ёшларни тарбиялаш, ижтимоий ҳаётни барқарорлаштириш, авлодлар ўртасидаги маънавий ворисийликлик туйғусининг бардавомлиликига таъсир кўрсатишдай беқиёс аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам қадриятларни асраб-авайлаш ва ёш авлодга маънавий-мерос сифатида етказиш масаласи бугунги кунда ҳам долзарб муаммо саналади. Айниқса, инсонлар, мамлакатлар ва қитъалар ўртасидаги алоқа воситалари кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув жараёнида бу масала янада долзарб бўлиб бормокда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармони ҳам юқоридаги фикрларимизга яққол далил бўла олади (1, 1-2 б.).

АСОСИЙ ҚИСМ

Ажодлар меросининг устуни бўлган қадриятлар инсон тарбияси, ҳаёти, ижтимоий мавқеи, ўз-ўзини идора қилиш меъёрлари, мулоқот маданияти, ҳалоллик, тўғри турмуш кечириш каби ахлоқий мезонларини белгилайди. Айнан шу туфайли, таълим-тарбиянинг асосий мақсади ҳар бир шахсда ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди ва миллатидан қатъий назар, юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш учун хизмат қилади. Демак, ажодларнинг адабий мероси айнан тарбиядаги қадриятлар асоси бўлиб, миллий ментал хусусиятларни қамраб олган ҳолда, келажак авлод тарбияси учун муҳим аҳамият касб этади.

Инсонпарварлик ва меҳр-оқибатга йўғрилган бундай кадриятлар, бугун миллат доирасидан чиқиб, умуминсоний кадрият даражасига кўтарилиб бораётгани ҳамда дунё тамаддуни устуни бўлиб, илмий реннесансларга сабаб бўлиши тарихда ўз исботини топган. III унуктаи назардан, ҳозирги ахборотлашган жамиятда, тарбия ва ахлоқ масалаларининг кибермаконга трансформацияси жараёнларида (2,36 б.) турли ғоявий, маънавий-ахлоқий таҳдидларни бартараф этишда ахлоқийликни илмий тафаккур билан амалий уйғунлаштириш янада кучлироқ таъсир кучига эга бўлади, дейилса муболаға бўлмайди.

Бу борада ўзбек маданий меросининг улуши бекиёс. Зеро, айнан узлуксиз тарбияда ахлоқий меъёрлар билан бир қаторда илмий танқидий тафаккурни параллел равишда илмий-марифий тўғараклар асосида олиб бориш, етишиб чиқаётган барча йўналишлардаги кадрларни нафақат рақобатбардошлигини оширади, балки миллиат равнақи ва юрт тинчлиги учун фидойилик каби хислатларни шакллантиради. Хусусан, Беруний, Форобий, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарийлар бунга яққол мисол бўлиб, улар ижодини ўрганиш келажак авлод учун катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга моликдир. Бу силсилада Юсуф Хос Ҳожибнинг номини ҳам фахр ва ифтихор билан тилга олиш мумкин. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асари шу йўлда яратилган дурдоналардан биридир. Бундай ахлоқий-дидактик, адабий-қомусий асарлар замон ва макон танламаслиги билан бир қаторда миллий ифтихор туйғусини шакллантиради.

Юқорида «қомусий» сўзини қўллаганимиз тасодифий эмас. Ҳар бир яратилган асар ўқувчини, китобхонни бир йўналишда тарбиялайди. «Қутадғу билиг» асари давлатни идора қилиш усулини, сиёсатини, қонун-қоидаларини, расму русумларини, ахлоқ принципларини ўзида мужассамлаштирган бадиий низомнома, қомусий асар сифатида юзага келди. Бу асар дидактик йўналишга эга бўлиб, унда давлатни идора қилиш усуллари, оддий халқдан тортиб олий даражадаги мансаб эгалари - эликхонларгача, олим, шоир, деҳқон, чорвадор, қосиб сингари кўплаб табақа, тоифа, ижтимоий гуруҳларнинг феъл-атвори қандай бўлиши лозимлигини, давлат қурилиши, турли

ижтимоий табақаларнинг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти, умуман, сиёсий-ижтимоий, моддий-маънавий, ахлоқий-тарбиявий масалаларига ўша давр талаби нуктай, назаридан йўл-йўриқлар бадиият қонунлари асосида тавсифга тортилган. Юсуф Хос Ҳожиб ўз замонасининг донишманди, мутафаккири, илғор фикрли файласуфи эди. У ўз асарида илм-фан, билим ва заковатга алоҳида эътибор билан ёндашади (3, 155-156 б.).

*Билигсиз киши бир емишсиз йиғач,
Емишсиз йиғачи неку қилсу ач.*

Яъни:

*Билимсиз киши бир мевасиз ёғоч,
Мевасиз ёғочни оч киши нима қилсин.*

Бу ифодаларнинг ихчам ва лўнда, биргина самимият билан йўғрилганини айтиш шунинг хислатлар туркий халқларнинг XI асрдаги ривожланиш тарихига хос бўлган тафаккур тарзини кўрсатиши билан эътиборни тортади.

Тасвирнинг қуймалиги, ифоданинг равонлигигина эмас, тилга олинаётган ҳодисанинг табиийлиги, бевосита кундалик турмуш билан зич боғланиб кетганлиги ҳам унинг таъсир кучини оширади. Асарда бундай мисоллар ниҳоятда кўп.

Дунёдаги барча эзгуликлар илм, билим ва заковат орқали намоён бўлади, дейди муаллиф. Шунга кўра, бундай хислатлар ҳар қандай касб ва лавозим эгасида бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Хукмдорлар, бек ва амир-уламолар ҳам илм ва заковат асосида элни бошқаришга киришса, уларнинг иши осонлашади. Муҳими, илм, ақл ва заковат билан бошқарилган юртнинг бугуни ва келажаги яшнайд.

*Укушун агар-ул билигин безур,
Бу эчки била эр агирлиқ кўрур.*

Яъни:

*Ўқув-идрок билан киши юксалади,
Бу икки (си) туфайли эр қадр-қиммат*

қозонади.

*Ўқуш қайда бўлса улуглук бўлур,
Билиг кимда бўлса, бедуглук алур.*

Яъни:

*Заковат қаерда бўлса, улуглик бўлади,
Билим кимда бўлса, буюклик олади.*

Юқоридаги мисралар билимнинг илдизи ниҳоятда чуқур, у орқали эришилган ютуқларнинг чеки-чегараси йўқлигини

ифодалайди. Билимли ишини эса кадр-қиммат қозонган буюк ва улуғларга тенглаштиради. Буларнинг барчасининг амалий жиҳати миллийлик асоси урф-одатларда ифодаланади. Анъаналарни демократик жамиятнинг кадриятлари билан уйғунлаштириш мамлакат тараққиётининг муҳим гарови ҳисобланади. Урф-одатлар, анъаналарга ижодий муносабатда бўлиш ўтмишимиздаги барча урф-одат ва анъаналардан воз кечиш, ёки бугунги кунда амал қилинаётган урф-одат ва анъаналардан юз ўгириб, бутунлай янгисини ихтиро этишни билдирмайди. «Урф-одат», «анъана» тушунчалари бир-бирини тўлдиради. Урф-одатлар аста-секин анъанага айланиб авлодларни боғлаб турадиган омил сифатида маънавий-ахлоқий тарбияда муҳим ўрин тутди. Урф-одат ва анъаналарда ўзига хос қонуният мавжуд. Унинг бузилиши халқлар, миллатлар ҳаёт тарзи, тафаккури, дунёқарашининг ҳам ўзгаришига, халқларнинг ўз миллий-маданий негизларидан узоқлашишига ёки бегоналашиб боришига сабаб бўлади.

Маънавий-руҳий тикланиш инсоннинг табиатга бўлган муносабатининг шаклланишига ҳам боғлиқ. Табиатга, она ерга бўлган муносабат узоқ аجدодларимиздан ўтган. «Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш)» қадимдан эъзозланиб келинган, аجدодларимизнинг зардуштийликдан тортиб то исломгача бўлган барча динлари мазмунида ўз аксини топган. Анъанавий одоб-ахлоқ қоидаларига кўра сув ва ерни ўйламай-нетмай булғаш, исроф қилиш гуноҳи азим ҳисобланган. Инсон билан табиатнинг уйғун муносабатлари тўғрисидаги ана шу ғоялар Мовароуннаҳрда мусулмон Уйғониш даврига жуда катта ҳисса қўшган сўфийлик таълимотида ҳам учраши тасодикий эмас.

Асрлар давомида халқ ҳаётида синовлардан ўтган кадриятлар бутун миллатни эзгуликка бошлайди. Шундай экан, жамиятимизнинг бугуни, эртаси ва келажаги кўп жиҳатдан ёшларимизнинг миллий кадриятлар руҳида тарбия топишига боғлиқ.

Инсонлар орасида бировнинг молу-давлати, мансаби ёки насл-насабига қараб дўст танлайдиган, ён-атрофдагилар билан уларнинг мавқеига қараб муомала қиладиган шахслар ҳам учраб туради. Юсуф Хос Ҳожиб бундай иллатларни қоралайди. Билимли кишининг

жамиятдаги ўрни ва мавқеи ҳақида шундай дейди:

*Билигсизка турда орун бўлса, кўр,
Бу тўр илка санди, илиг болди тўр.*

Яъни:

*Билимсизга тўрда ўрин бўлса, кўргин,
Бу тўр пойга саналади, пойга эса тўр
ҳисобланади.*

*Қали билгака тэгса илда орун
Ул ил болди тўрда тақи кад тўрун*

Яъни:

*Агар донога пойгадан ўрин тегса,
Бу пойга тўрдан ҳам тўрроқ бўлади.*

Уйнинг тўри жамиятда билимли киши эгаллаб турган энг юқори поғона, обрў ва эътиборга қиёсланган. Кишини амал, бойлик эмас, балки билим тўрға олиб чиқар экан, демак, у мана шунга қараб интилиши лозим.

Билим орқали кишилар ғафлатдан уйғонишади, дунё ишларидан хабардор бўлишади. Билимсиз киши мисоли хаста. У ўзини даволаши учун билим ва заковат ўрганиши керак. Билим қоронғуликдаги машғал, зулматдаги зиёдир. Жаҳоннинг барча сир-синоатлари билим туфайли очилган.

*Буларда қайу булди эрса билиг,
Улар урмиш ўд кун ажувқа алиг*

Яъни:

*Булардан қайси бири билим соҳиби бўлса
Улар давр, юрт, дунё ишига қўл урдилар.
Билигсиз киши барча иглиг болур,
Игиг эмламаса киши тэрк ўлур.*

Яъни:

*Билимсиз кишилар барчаси дардлик бўлади,
Дардни даволамаса, киши бот ўлади.*

«Қутадғу билиг»даги асосий масалалардан яна бири бу ўзаро ҳурмат ва эҳтиром масаласидир. Бугунги кунимизнинг долзарб масаласига айланган комил инсон тарбияси, оилада ота-она ва фарзанднинг ўрни, улар орасидаги меҳр-муҳаббат ҳам адибнинг диққат марказида турган. Юсуф Хос Ҳожиб оила ва жамият ҳаётидаги ҳурмат ва эҳтиром масалалари асосий омил эканлигини таъкидлар экан, кишиларни ўзаро меҳрли бўлишга даъват этади:

*Сани сен тесалар ани сиз теги,
Тақи унда еграк янут сўзлаг.*

Яъни:

Сени сиз деганларни сен сизлагин,

Яна ундан афзал жавоб сўзлагил.

Эки нанг била эр қаримазўзи,

Бир эзгу қилинчи, бир эзгу сўзи.

Яъни:

Киши ўзи икки нарса туфайли қаримайди;

Бири эзгу хулқи, бири – эзгу сўзи.

Адиб ҳаёт ҳодисаларини тасвирлар экан, уларда инсон руҳиятининг намоён бўлиш шакллари ҳам алоҳида эътибор қаратади. Асар қаҳрамонларининг ўзаро муносабатлари жараёнида, айниқса, бу ҳолат кўпроқ кўзга ташланади.

Ойтулдиннинг вафоти муносабати билан Кунтуғди кечинмаларининг тасвири бунга ёрқин мисол бўла олади.

Тансулди ўги кўнгли мидулмади,

Тилади айтку киши булмади.

Яъни:

Ақли ҳайратда қолди, кўнгли тинчимади,

Истаб сўрайдиган киши тополмади.

ХУЛОСА

Ҳар бир таълим олаётган ёш кадрлар жамиятда содир бўлаётган воқеаларга нисбатан эркин фикр асосида мукаммал даражада ўрганиши, касбий бурч ва масъулияти, маънавий фазилат эканлигини, тарихий асарларида акс этган миллийлик ва умуминсонийликнинг ўзаро диалектик алоқадорлиги, мазкур асарларда акс этган юксак маънавиятли шахс тараннумининг ўзига хос ахлоқий-маънавий талаблар шакли сифатида намоён бўлиши, уларда юксак бадийят ва таъсирчанлик юксак маънавий қадриятлар эканлигини англаб етиши, улардан ҳаётий-амалий фаолиятда самарали фойдалана олишга эришиши зарур.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг давлат раҳбарлари бошчилигида ўтказилган видеоселекторда илгари сурган ташаббуслари. <https://kun.uz/news/2019/03/20/prezident-beshta-muhim-tashabbusni-ilgari-surdi-ular-nima>.
2. Емелин В.А. Идентичность в информационном обществе. Монография. – М.: Канон, 2017. –С.36.
3. Мирсамикова Р. Маънавий-ахлоқий тарбияда «Қутадғу билиг»нинг аҳамияти. «Ўқувчиларнинг миллий маънавиятини шакллантиришда бошланғич таълимнинг ўрни» Тошкент, ТДПУ, 2010. – Б. 155-156.